O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 14-avgust • Payshanba • 96 (27.901) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди».

ФАРҒОНАНИНГ ЗУМРАД ТОНГЛАРИ

Охунжон ҲАКИМ, Ўзбекистон халқ шоири

1.

Яқинда бир иш билан Қувага йўлим тушди. Ўрта ёшдаги зиёлинамо бир киши ҳамроҳ бўлиб қолди. У сурхондарёлик экан. Қувага, бир курсда ўқиган дўстиникига, тўйга бораётган экан.

Меҳмон икки қаноти бошдан-охир гулзор бўлган кенг, равон йўлга ҳайрат билан қарайди, «Ҳеч бунақасини кўрмаганман», — деб қўяди. Ниҳоят, туман марказига етиб бордик. Меҳмонга: «Мана, келдик», — дедим. У теварак-атрофдаги кўркам ва замонавий биноларга боқиб: «Йўғ-е, Қува шуми? Бошқа жойга кеп қолмадикми?» — деб сўради. «Манглайига «Фарғона — Қува» деб битилган машинага чиққанмиз, меҳмон», — деб ҳазиллашдим унга. «Ё, тавба, осмондан тушдими бу шаҳар, ё ердан чиқдими?!» — деб ҳайрон бўлди, у.

Меҳмоннинг таажжубланганича бор. Бундан ўн-ўн беш йил олдин Қувада бўлган одам бугун шаҳарга келса, уни таний олмайди. Кейинги йилларда бу қадим гўша бутунлай ўзгарди. Бир-биридан қолишмайдиган гўзал ва муҳташам иншоотлар, кенг, равон йўллар, шарқона тижорат марказлари, замонавий корхоналар унинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшди. Айниқса, дунё илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз Аҳмад Фарғоний меъморий ёдгорлик мажмуи узукка қўйилган кўздек унга фусун ва салобат бағишлади. У шу қадар маҳобатлики, зиёратга бел боғлаган одам бир айланиб чиқиши, музейни, қадим Қубо қолдиқларини кўриши, истироҳат этиши учун бир кун камлик қилади. Шу маънода, сурхондарёлик меҳмоннинг таажжуби мени ҳайрон қолдирмайди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28–29 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикасининг ўндан ортиқ қонунларини, хусусан, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Кенгаш сенаторлардан ҳамда Сенат Девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда турли учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам ана шундай маърифий тадбирлар давом этмоқда. Улардан бири Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи ҳамда Самарқанд давлат университети қошидаги 1- академик лицейда ўтказилди.

Тадбирларда сўзга чиқанлар мазкур китоб кишиларимизнинг маънавият ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини бойитишда, буюк аждодларимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиздан ғурурланиш ҳиссини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, китобда қайд этилганидек, маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаидир.

— Мазкур асар халқимизнинг юксак маънавиятини очиб берадиган, миллий менталитетимизни холисона акс эттирган қимматли манба бўлиб хизмат қилади, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Хўжақул Муҳаммадиев. — Айни пайтда вилоятдаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари ва сиёсатшунослардан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, аҳолига мазкур китобнинг аҳамияти, унда илгари сурилган ғоялар ҳақида тушунчалар бермоқда.

Ахборот-ресурс марказларида мазкур асарни ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган кўргазмалар, туман ва шаҳар жамоатчилик вакиллари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этиш, китобда баён қилинган хулосалар, долзарб муаммолар ҳақида мультимедиа дастурлари, электрон қўлланмалар яратиш, аҳолининг кенг қатламлари билан жонли мулоқотлар, самимий суҳбатлар ва китобхонлик кечалари ўтказиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

ЎзХДП ҳаёти

ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги тантаналарига тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш борасида ЎзХДП ташкилотлари, фаолларининг алоҳида вазифалари белгилаб олинган. Ҳозирда жойларда бу йўналишдаги ишлар қизғин кечмоқда. Жумладан партиянинг Кегайли туман кенгашида «Мустақиллик — эркин ва фаровон ҳаётимиз гарови» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП фаоллари, тарғиботчилар, туман Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари, БПТ раислари иштирок этдилар.

Туман партия кенгаши раиси Еркин Хожанов Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш борасида партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталди. Оммавий, маданий-маърифий, сиёсий тадбирлар изчил ўтказиб борилаётганини қайд этди.

Жарасиқбой СЕРЖАНОВ, Кегайли посёлка фуқаролар йиғини раиси:

— Сўнгги йилларда ҳудудимиздаги 5 та мактаб, 5 та мактабгача таълим муассасаси капитал реконструкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди. 2 та замонавий касб-ҳунар коллежининг ишга туширилгани, уларнинг жаҳон стандартларига мос жиҳозланиши мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурлари асосида ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан далолат.

Мустақиллик йилларида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби эзгу фазилатлар янада кучайди. Биргина мисол, ҳудудимизда 4 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 12 нафар ёлғиз кекса ҳомийларнинг доимий эътиборида. Шундан 2 нафарининг уйи таъмирлаб берилди. Кейинги уч йилда 50 та кам таъминланган оила қорамол билан бепул таъминланди. Қорамол боқаётган 1600 кишига меҳнат дафтарчаси очилди. 340 нафар хотин-қиз кредит олиб, паррандачилик, чорвачилик, тикувчилик билан шуғулланмоқда. Ҳар бир оила истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, ҳаётини янада фаровон қилишга интилиб яшамоқда.

Жиенбай МОЯНОВ, «Кегейли турмысы» газетаси муҳаррири:

— Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эди, уни қўлга киритиш, озодлик ва эркинлик учун ота-боболаримиз кўп йиллар давомида кураш олиб борган. Шўро тузуми даврида бундай фидойилар қораланган. Шундай миллатпарвар инсон бўлган Пирназар Алланазар ўғли ва Маткерим Беканов каби қишлоқдошларимиз тўғрисида кўпчилик билмас эди. Бундай фидойи аждодлар ҳақида, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида, мана, энди ёзилаяпти, адабиётларда қайд этилиб, тарихий адолат қарор топаяпти. Бундай эзгу ишларда ҳар биримиз ибрат кўрсатишимиз керак.

Қаллигул АШИРОВА, туман марказий шифохонасидаги ЎзХДП БПТ раиси:

— Туманимизда битта шифохона, унинг 3 та филиали, 10 та қишлоқ врачлик пункти бўлиб, жаъми 98 нафар шифокор, 1000 га яқин ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилади. Уларнинг 117 нафари ЎзХДП аъзоларидир. Бошланғич партия ташкилотимиз Мустақиллик — озод, эркин ва фаровон ҳаёт гарови эканини тарғибот қилувчи турли тадбирларни уюштираяпти. Соғлом турмуш тарзи, турли касалликларнинг олдини олиш борасида ҳам кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бораяпмиз.

Жорий йилда 4 та ходим ҲДП сафига қабул қилинди. Партия ташкилотимизда ҳар чоракда ишларимизни муҳокама қилиб, юртимизда туб ислоҳотлар натижасида аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётгани, ижтимоий дастурлар самараларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Давра суҳбатида ЎзХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибадуллаев Мустақилликнинг эзгу ғояларини тарғиб қилишда партиянинг ҳар бир фаоли масъулият билан ёндашиши зарурлигини таъкидлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан тузилган шартнома асосида 200 нафар янги ишчи ўрни яратилди.

Шартнома шартлари доирасида янги ишчилар заводга махсус иш кийимлари, ҳимоя қўлқоплари, кўрпа жилдлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб беришмоқда. Корхона эса уларни керакли хомашё ва зурурий асбоб-ускуналар билан таъминламоқда.

Туман меҳнат-бандлик бўлими раҳбари Ғани Ниёзовнинг таъкидлашича, ишчилар томонидан шартномада белгиланган 107 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига, 173 миллион сўмлик товар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинган. Маҳсулотнинг 31 миллион сўмлиги корхонанинг бошқа вилоятлардаги ташкилотларига сотилди. Иш сифати ва унумдорлиги ошгани сабабли яна 60 нафар маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш имконияти туғилди.

«Туркистон-пресс»

Бугун барчанинг нигоҳи Пекинда ўтказилаётган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига қаратилган. Спортнинг ўттиз бир тури бўйича ўтаётган ушбу нуфузли мусобақада ғолиб ва совриндорлар учун ажратилган 302 комплект медаллар шодаси аста-секин ўз эгаларини топмоқда. Мусобақа дастуридан жой олган жамоавий спорт ўйинлари бўйича гуруҳ баҳслари деярли ниҳоясига етган бўлса, бошқа турлар бўйича медаллар учун кураш айни қизғин паллага кирди.

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАРИ

Дзюдо бўйича ўтаётган беллашувларда саккиз нафар спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилаётганлигини хабар қилгандик. Улардан биринчи бўлиб гиламга чиққан Ришод Собиров (60 кг.) ўз вазн тоифасида бронза медали билан тақдирланган эди. Сўнгра курашларга қўшилган Мирали Шарипов (66 кг.), Шокир Мўминов (73 кг.)лар ҳам муносиб иштирок этиб, бронза медали учун кечган ҳал қилувчи учрашувларда рақибларига имкониятни бой бериб қўйди. Қизлар ўртасида гиламга чиққан яна бир вакилимиз Зинура Жўраева (52 кг.)дан ҳам омад юз ўгирди.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

Фракция фаолияти

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА

қонунлар янада такомиллаштирилмоқда

Маълумки, қонунга асосан парламент қуйи палатаси ёз ойларида ялпи мажлислар ўтказмай туради. Бироз танаффусдан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлар яна қизғин тус олди. Кеча бу ердаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан иккита қонун лойиҳаси ўрин олди. Шу масала бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди.

Фракция дастлаб биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли жиноят қуроллари мусодара қилиниши лозим. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатдики, мамлакатимиз чегараларидан товарлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар, наркотик воситаларни ноқонуний олиб ўтиш, шунингдек, жиноятчилар босқинчилик, талончилик, ўғирлик содир этишда кўп ҳолларда бошқа шахсларга тегишли транспорт воситаларидан (ижара олиб ёки ишончнома орқали) фойдаланмоқда. Бундай ҳолларда судлар жиноят қуроли ҳисобланган мазкур воситани эгасига қайтариб беришга мажбур.

Мазкур ҳолат жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Яъни жиноятчилар бошқа шахсларга тегишли транспорт воситаларидан яна такроран жиноят қуроли сифатида фойдаланиши учун шарт-шароит яратилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига жиноят қуроллари тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилинишини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш таклиф қилинди.

Таъкидлаш лозимки, суд томонидан бошқа шахслар мол-мулки жиноят қуроли сифатида мусодара қилинганида, мол-мулк эгаси фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судланувчига даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда, шунингдек, иккинчи ўқишда киритилаётган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

— «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кўпгина давлатларда мавжуд эмас, — деди Н.Исмоилов. — Биз ушбу қонунни кучга киритишдан кўпгина олижаноб мақсадларни кўзлаганмиз. Аммо қонун самарали ишлаши учун тегишли механизм яратиш талаб этилади. Шунинг учун бугун биз муҳокама этаётган мазкур лойиҳа ишлаб чиқилган. Қуйи палата аъзолари ҳужжатни биринчи ўқишда маъқуллаган эди. Шундан сўнг қўмитамизда қонун ташаббускорлари, олимлар, мутахассислар тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бирга лойиҳа устида анча иш олиб борди. Биринчи ва иккинчи ўқишда тақдим этилган лойиҳалар орасида анча фарқ бор. Лойиҳа янада такомиллашди. Шунинг учун уни қабул қилиш мумкин, деб ўйлайман.

Йиғилишда фракция ваколатларига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан Ўзбекистон ХДП депутатларининг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

АСОСИЙ МАҚСАД — ТАДБИР ЎТКАЗИШ ЭМАС,

ёшларнинг фикрларини эшитиш, муаммоларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиб ишончини қозонишдир

Хонага бир йигит кириб келди.

— Воҳиджон ака, олдингизга бир таклиф билан келдим, — деди у.

— Қулоғим сизда, — деди ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Воҳиджон Юнусов йигитдаги дадилликдан руҳланиб.

— Университетимиз ёшлари гиёҳвандликка қарши акция ўтказмоқчи эди, шуни партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти билан ҳамкорликда ташкил этсак...

— Жуда яхши, — деди Воҳиджон хурсанд бўлиб. — Худди шундай тадбирлар ўтказишни биз ҳам ният қилганмиз, айни муддао...

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли истироҳат боғи университет, яқин атрофдаги академик лицей ҳамда коллежлар талабалари билан тўлди. Тадбирда ёшлар гиёҳвандликни фош этувчи ўз фикрлари, кўргазмали қуроллари, маърузалари билан қатнашдилар.

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис, бу ерда фаол ёшлар кўпайиб бораяпти.

Аслида, ҳаёт қонуни шундай. Қаерда ёшларга кенг имконият яратиб берилса, уларнинг келажакка ишончи ортади ва Ватан тақдири учун масъул эканини теран англайди. «Истиқбол» ёшлар қаноти бу масалаларга катта эътибор қаратаётгани сабаби ана шунда.

— Ҳар ойда фаолларимиз билан кейинги режаларни муҳокама этамиз, — дейди Воҳиджон. — Ҳар бир тадбирни ёшларнинг муаммолари, бугунги ҳаётдаги реал масалалардан келиб чиқиб ташкил этаётганимиз боис, уларнинг ишончини қозонишга эришаяпмиз. Аслида фаолиятимиздан мақсад ҳам шу.

Дарҳақиқат, бугун ёшлар қаноти ҳар бир ёш кўнглига йўл топиш мақсадида кўплаб амалий ишларга қўл уряпти. «Истиқбол» ёшлар қаноти туман бўлимлари раисларининг ҳам фаоллиги ошаётгани ҳар бир муаммони ўз жойида ҳал этиш имкониятини бермоқда. Бу эса партия сафини билимдон, серғайрат ёшлар билан тўлиб боришига хизмат қилаяпти.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Миллат хотирасининг ёшлар учун аҳамияти» мавзусида ўтказилган тадбирда кекса авлод вакиллари ҳам иштирок этиб, ёшларни Ватан учун фидойи бўлишга чорлади. Айниқса, ўқув юртларини битираётган талабалар билан «Касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш» мавзусидаги давра суҳбати саволжавобларга бой бўлди. Унда иштирок этган халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари «Истиқбол» фаоллари билан ёшлар олдида турган муаммоларни ҳал этишда амалий ҳамкорлик ўрнатиш борасида келишиб олинди.

— Тадбирлар бекорга ташкил этилмайди, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Муножаат Исомиддинова. — Уларнинг ҳар биридан аниқ мақсад кўзланади. Аммо ҳар доим ҳам кутган натижага эришилавермайди. Биз ҳамиша «Истиқбол» ёшлар қаноти билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказишга ҳаракат қиламиз. Чунки партиянинг тажрибаси катта. Унинг фаоллари, депутатлари имкониятларидан фойдаланиб, олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш осон.

Ёшлар қаноти фаолиятининг яна бир йўналиши ёшлардан кўпроқ таклифлар, фикр-мулоҳазалар олиб, уларни умумлаштирган ҳолда тегишли ташкилотларга етказиш, шу орқали кўтарилган масалани ҳал этиш, ижросини таъминлашдир. Ана шу мақсадда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ёшларни ташвишга солаётган айрим масалалар ечимини топишда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Бугун мустақиллик байрамига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Энг муҳими, ёшлар шуурига истиқлолнинг асл мазмунини чуқур сингдириш ва уларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб вояга етказишдир. Ана шу истак ва ният билан фаолият юритаётган ёшлар қаноти ёш авлодга бу ҳаёт ҳақиқатини теран англатишнинг турли замонавий усул ва воситаларидан фойдаланаяпти. Бу ер доимо қайноқ қалбли ёшлар билан гавжумлигининг сабаби ҳам шу аслида.

Мамадали ЖАЛИЛОВ.

ФАРҒОНАНИНГ ЗУМРАД ТОНГЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қувани айтасиз, атиги икки йил илгари Марғилонда бўлган одам ҳозир бу шаҳарга ташриф буюрса, «Наҳот бу ўша Марғилон бўлса?!» — деб лолу ҳайрон қолади. Ўзгаришлар шундай. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти шундай. Наинки Қуваю Марғилон, бутун Ўзбекистон яшармоқда. Ҳаёт жудаям ўзгарди!

Миллий манфаатдан келиб чиқиб, ҳамият билан дунёга қараш шаклланди. Одамлар бир-бирига меҳрибон бўлиб қолди. Фикр ўсмоқда!

Марғилоннинг 2000 йиллиги муносабати билан Президент ташаббуси асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, боғлар-хиёбонлар, гўзал иншоотлар, ҳаволи кўчалар, маданият саройлари барпо этилди, муқаддас жойлар обод қилинди. Бозорлар қайта қурилиб, савдо-сотиқ ривожи учун қулайлик яратилди. Янги лицей ва коллежлар қад ростлади.

Шу ўринда яна бир гапни айтмоқ жоиз. Шўро тузуми етмиш уч йил ҳукмронлик қилган бўлса, бу вақт ичида Марғилонда бир-иккита енгил саноат корхонаси, иккиучта маъмурий бино қурилган, холос. Ўтган асрнинг бошида рус сайёҳи ёзгани каби, Марғилон *«гуваладан тикланган шаҳар»*лигича қолиб кетди. Бугунги кунда эса шаҳар тубдан яшарди. У ўзининг файзу таровати, шарқона жозибаси билан ҳар қандай кишини маҳлиё этади.

Шуни ёзиш ниятида юрган кунларда бир гурунг менинг эътиборимни тортди. Чойхонага чиқсам, уч-тўрт оқсоқол бир пиёла чой устида суҳбат қилиб ўтирган экан.

— Бугун учта тўй бор, — деди олтиариқлик Абдуфаттоҳ ота Содиқов. — Икки жойга кириб, қутлуғ бўлсин қилдик. Гуррос-гуррос келаётган одамларнинг кийинишига эътибор бердим: ярашимли. Дастурхоннинг тўкин-сочинлигини айтмайсизми?! Қут-барака, маъмурчилик дегани шу, аслида!

— Ҳаммаси тинчликнинг шарофати! Тинчлик бор жойда хотиржамлик, хотиржамлик бор жойда иш-қуриш, файз-барака бўлади! Тинчинг бўлмаса, ҳеч нима юракка сиғмайди!

Мен ўша суҳбатни бўямай-бежамай қоғозга туширдим. Одатда, кўпни кўрган кишилар гурунг қилганда, биз каби нисбатан ёшлар сукут сақлайди. Оқсоқоллар гурунги ўн олти-ўн етти йил аввалги алғов-далғов, ур-йиқит ва ўтли-оловли воқеаларга бориб тақалди. Ўша кунлар хаёлимда жонланди.

Инқирозга юз тутган Шўро тузуми тўқсонинчи йилларда нималар қилмади?! Ўзбекистонни олов ичига тортиш учун ҳатто миллатлараро низо келтириб чиқарди. Фарғона аланга ичида қолди...

Фожиа миқёси кундан-кунга кенгайиб борарди. Собиқ марказ матбуоти эса Фарғона воқеаларида халқни айблай бошлади. *«Фарғона вилоятидаги миллатчилик кўринишлари»* деган сиёсий айбга урғу берилди. Бу эса одамларнинг кўчага чиқиб кетишига сабаб бўлди. Водийга собиқ иттифоқ ички ишлар вазирлиги ички қўшини ташланди. Комендантлик соати жорий қилинди.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Комендант соати жорий этилган ўша нотинч ва серғалва кунлар. Матбуот соҳасида ишлайман. Бесаранжомлик ва кўнгилсизликлар сабаб, газета кечикиб кетарди, тонгга яқин босиларди. Шундай кечаларнинг бирида, соат учларда, газетага қўл қўйилгач, уйга қайтаётиб, ҳарбий патрул изғиб юрганини кўрдим. Вилоят театри ёнига келганимда радиокарнай орқали қилинган дағдаға оламни бузиб юборди: *«Машинани четга ол! Тўхта! Бўлмаса, отиб ташлайман!»*

Сўзсиз итоат этдим. Бир ҳарбий машина йўлимни тўсиб, иккинчиси эса шундоқ ёнимга келиб тўхтади, ундан чақчайган бир офицер билан иккита автоматчи тушиб келди.

— Комендантлик соатида нима қилиб юрибсан? — деб сўкинди офицер. — Кимсан? Қаёққа кетяпсан? Ҳужжатинг?

Комендантлик соатига тааллуқли рухсатнома билан шахсий гувоҳномани индамай офицерга узатдим. У ҳужжатларни кўздан кечираяпти, ишонсангиз, бир аскарнинг автомати чаккамга тегай-тегай деб турибди, иккинчиси эса, машинанинг олд томонида, автомат оғзини манглайимга тўғрилаган. Бармоғи қурол тепкисида. Энг даҳшатлиси, уларнинг учаласи ҳам ғирт маст эди.

Нафасим ичимга тушиб кетди, офицер ҳужжатларни эринмай кўриб чиққач: — Газетчик! — деди масхараомуз илжайиб: — Бор, жўна, газетчик!

Бир нима деб бўлмасди. Оёғимда мадор қолмаган. Совуқ тер босган. Зўрға уйга етиб келдим. Қани энди кўзимга уйқу илинса. Хўрлик ва ҳақорат суяк-суягимдан ўтиб кетган эди. Ўша солдат эрмакка тепкини босиб юбориши мумкин эди! Лекин бизнинг додимизга етадиган одам йўқ! Собиқ марказнинг айрим газеталари «қонхўр», «ваҳший», «нашаванд» деб кўз очирмаяпти. Итдай хор бўлиб, ўлиб кетиш ҳеч гап эмас!

Ўша кунлар Қўқон фожиаси юз берди. Шаҳар марказида кўпминг кишилик митинг бўлаётган пайтда вертолётда десант ташланди... Ўнлаб одамларнинг умри хазон бўлди. Бу воқеа бутун водийни ларзага келтирди. Ўн минглаб одамлар қалқиб кўчага чиқди.

Фавқулодда вазият юзага келган мудҳиш ва унутилмас кунларда 103 киши қурбон бўлди, 757 та уй, 275 та машина, 27 та давлат муассаси ёқиб юборилди. Оломонни жиловлаб бўлмай қолди. Халқ денгиздек чайқалган ўша нотинч кунларда, 1989 йилнинг 23 июнида Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари этиб сайланди. Янги раҳбарнинг биринчи қилган иши — ўт ичида қолган Фарғонага самолётда учиб келди. «Литературная газета» у Фарғона шаҳрида тартиб ўрнатгач, «Волга»да, қўриқчисиз, Қўқонга йўл олганини, йўл-йўлакай кўчаларни тўлдириб турган одамлар олдида тўхтаб, уларнинг орасига кириб борганини, ғазабга минган оломонни оғир-вазминликка даъват этиб, келажакка умид ва ишонч уйғотганини ёзиб чиққани ёдимда. Ҳақиқатан ҳам, раҳбаримиз ўша оғир кунларда биз, водийликларнинг дардимизга дармон, кўнглимизга малҳам бўлган. Хонадонларга кириб, одамлар билан бирга туз тотган, эл-юртнинг дарду ҳасрати, ғаму кулфатига шерик бўлган, уйларда эшик олдигача пахта экилганини, бир ҳовлида олти-етти оила тиқилиб яшаётганини ўз кўзи билан кўрган. Орадан уч кун ўтгач, комендантлик соати бекор қилинди, икки ҳафтадан сўнг, қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Бир ой ичида олтмиш мингдан ошиқ оилага томорқа берилди. Ҳаёт ўз оқимига туша бошлади...

Марғилон. Пир Сиддиқ мақбараси

2.

Мана, шундан буён ҳам ўн саккиз йил вақт ўтди. Бугун одамлар кўксини тўлдириб нафас олаяпти, енг шимариб ишлаяпти, ўқияпти, ижод қилаяпти, қураяпти-яратаяпти. Маъмурчилик.

Мисрдаги Аҳмад Фарғоний ҳайкали

Йил ўн-икки ой тўй устига тўй. Қиз чиқараман, ўғил уйлантираман, пайғамбар ёшимни ўтказаман деган одам қанча! Улар карнай-сурнай билан элга дастурхон ёзаяпти, ишлаб, топиб, бир-биридан кўркам уйлар барпо этяяпти. Қайси хонадонга қараманг, ўзимизда чиққан енгил машина...

Бугун водийнинг қайси шаҳрига борманг, шинам ва осойишта, кўчалар озода, ям-яшил, икки қанотдаги иморатлар кўркам ва замонавий, кўрган кўз қувонади.

Бугун ҳатто тонглар ҳам сулув, беғубор ва қувончбахш.

Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний оромгоҳини сайр этсангиз, шоирона хаёлларга ғарқ бўласиз. Бу гўзал меъморий ёдгорлик ҳар қандай одамни ўзига маҳлиё этади. Сўлим ва хушманзара, кенг ва хушҳаво. Қайроқтошли ариқлар бўйида ўйнаб юрган болаларга қараб, ҳавасингиз келади. Қаранг, мустақилликка қадар бу улуғ бобомизнинг мероси тугул, ҳатто номини билмас эдик. 1998 йили тенгсиз қомусий олим шарафига бир ҳайкал, иккита меъморий ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди, таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланиб, Қува ва Фарғона шаҳарларида алломага ҳайкал қўйилди. Халқимизнинг бу тенгсиз фарзандига яқинда Мисрда ҳам ёдгорлик ўрнатилди. Ёки бўлмаса, улуғ мутафаккир Алишер Навоийга Россия ва Японияда, Абу Али Ибн Синога Бельгияда мумтоз ёдгорлик қўйилганини бир эсга олинг. Бундай ишлар қачон бўлган?! Ахир, бу сиз билан бизга, эл-улусга кўрсатилаётган иззат-икром-ку!

Ёки бўлмаса, ислом дунёсининг буюк алломаси Бурҳониддин Марғинонийни олайлик. Бу муборак зотнинг таваллуд тўйи муносабати билан бутун мусулмон олами халқимизга чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Аҳмад Фарғоний билан Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг тўйи баҳонасида қанча боғлар-хиёбонлар, янги иншоотлар, кўркам кўчалар барпо этилдики, бутун Фарғона обод бўлди, десам, муболаға бўлмайди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Кўриб турибмиз, ўтган ўн етти йил ичида бир ниҳол экмаган, боши урушдан чиқмаган, борини ҳам вайрон этаётган халқлар, миллатлар қанча! Ўзбекистон эса, наинки ўз уйи, балки минтақа тинчлигини киприкда асраб турибди!

3.

Ҳар икки-уч ойда Тошкентга йўлим тушади. Ҳайрату эҳтиросларсиз, жимжимадор, баландпарвоз сўзларсиз шуни айтмоқчиманки, пойтахтимиз бунёдкорликнинг бешигига айланди. Тошкент шу қадар ўзгариб, гўзаллашиб кетдики, ҳайратга тушмай ҳеч илож йўқ. Бири-биридан кўркам ва муҳташам замонавий бинолар, улуғвор иншоотлар, маҳобатли кўприклар, кенг ва равон йўллар, боғу бўстонлар...

Уларга боқиб туриб, қўқонлик ажойиб инсон, ёғоч ўймакорлиги бўйича тенги йўқ уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев хаёлимдан ўтади. Гўзал пойтахтимиздаги муҳташам кошоналарнинг аксариятида қўли гул устанинг бармоқ излари мужассам. Аждодлардан мерос ёғоч ўймакорлиги санъати унинг фаолияти давомида янги жилолар билан бойиди, уста бу борада ўзига хос мактаб яратди. Қаранг, шўро даврида бу соҳа ҳеч кимга керак бўлмай қолган эди. Бугун устанинг фаолият майдони шу қадар кенгки, у кишининг қадами етмаган жой йўқ. Устанинг пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси», «Хотира майдони» ва Миллий боғдаги Кўргазмалар зали, Самарқанддаги Имом Бухорий меъморий мажмуаси, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги ҳайратомуз ишлари билан танишсангиз, дилингиз яйрайди, кишиларимизнинг нечоғли қўли гул эканини юрак-юракдан ҳис этасиз. Мустақиллигимиз бўлмаса, тинчлик, хотиржамлик бўлмаса, давлатимиз раҳбари мудом юракларга ўт солиб, бунёдкорликка ундаб турмаса, шундай ишлар бўлармиди, деб ўйлайман.

Шу хаёллар билан айланиб юриб, олтинранг қуббалари қуёш нурида товланиб турган ҳашаматли ибодатхона олдидан чиқиб қолдим. Унинг дарвозасидан кириб чиқаётган нуронийлар ва ёш-яланглар оқимини бир лаҳза кузатиб турдим. Мана, сенга бағрикенглик, деб ўйладим. Гоҳо ака-ука бир ҳовлига сиғмай қолади. Мамлакатимизда эса қанча миллат ва элат, қанча дин вакиллари бир аҳил оила аъзолари каби ўзаро иззат-ҳурмат билан яшаб, дунёнинг ҳавасини келтирмоқда. Уларнинг ҳар бири шу мўътабар заминни она Ватан деб билади. Тилимизни, динимизни, тарихимизни ҳурмат қилади. Меҳроқибатни қадрлайди. Ахир, бу истиқлол шарофати бўлмайин, нима?!

Мана шулар ҳақида ўйласам, кўнглим яйраб кетади! Ҳа-да, биз кўп замонлар интиқ бўлиб кутган озодлик одамларимизниям, юртимизниям ўзгартириб юборди. Ўзбекистонимиз осмонўпар уйдек қаддини кўтарди. Бу кўнгилга қувонч ва ғурур бағишлайди. Шунда давлатимиз раҳбарининг жонбахш хитоби хаёлдан ўтади: — **Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

Ҳуқуқий ислоҳот

АДОЛАТ КАФОЛАТИ

Мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида Президентимиз раҳбарлигида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Судларнинг ихтисослашуви асосида фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди. Судлар суд қарорларини ижро этишдан халос бўлди. Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари либераллаштирилиб, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизига яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Ўлим жазосининг жиноий тизимдан олиб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши республикамиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Маълумки, 2005 йилнинг 8 августида Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи бошлаб берилди. Мазкур муҳим ҳужжатда Жиноят процессуал кодекси ҳамда бошқа ҳужжатларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий ҳуқуқий ва процессуал механизмини ишлаб чиқиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги кадрларни тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, бу борадаги хориж тажрибасини атрофлича ўрганиш вазифаси юклатилган эди.

Бу Фармон асосида жиноят процессида суд назоратининг тизим сифатида шаклланишига замин яратиб берилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8,9,10-моддаларида ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-моддасида ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, уни суд қарорисиз озодликдан маҳрум қилишга йўл қўйилмаслиги, ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмаслиги, жиноий айблов бўйича қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс дарҳол судга ёки суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилиши ва оқилона муддатда иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эгалиги, ҳар бир инсон унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун тенглик асосида, ўз ишини ошкора, адолатнинг барча талабларига риоя этиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги баён қилинган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида жами 462 та илтимосномалар кўриб чиқилган. Республиканинг жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимосномалардан рад этилган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2008 йил 26 март кунги ажрими билан фуқаро Қ.Мамбедуллаев «Қўнғирот ун заводи» акциядорлик жамиятининг аралаш ем ишлаб чиқариш цехининг омбор мудири лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар мансабдор шахс бўла туриб, ўзининг жавобгарлигида бўлган, умумий қиймати 976.152 сўм миқдоридаги 11020 килограмм буғдой кепагини, 2008 йил 18 март куни жамиятга қарашли 1-сонли дўкон сотувчиси Г.Гаюпова билан олдиндан жиноий тил бириктириб, фуқаро Ж.Садыковга 2.216.000 сўм нақд пулга сотиб, уларни жамият ғазнасига топширмасдан, жиноятни яшириш мақсадида мансаб сохтакорлиги билан омбордаги 11080 килограмм миқдордаги аралаш емларни жамиятга қарашли 1-сонли дўкон сотувчиси Г.Гаюповага бериб юборганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг «а» ва «в» бандлари, 209-моддасининг 1-қисми билан айбланиб, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида илтимоснома кўриб чиқилган.

Суд Қ.Мамбедуллаев содир этган жиноятни унча оғир бўлмаган жиноятлар турқумига киришини, унинг аниқ яшаш жойи борлигини, дастлабки тергов ва суддан бўйин товламаслигини, 11.020 килограмм буғдой кепаги ўз ўрнига қўйилганлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, қарамоғида 4 нафар фарзандларининг борлигини инобатга олиб, прокурор илтимосномаси рад қилинган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Шу асосда инсонпарварлик принципи, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламай, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишини назарда тутади. Одиллик принципи эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигини кўрсатади.

Миллий қонунчилигимиздаги ушбу устувор тамойиллар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларининг фаолиятида асосий мезонга айланган. Инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясида амалдаги қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш судларнинг конституцион бурчи ҳисобланади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

Қурбанбой ЕРАЛИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси.

Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ҲАР КУН САНОҚДА

Бу иборани ҳозир биринчи навбатда пахтакор фермерга нисбатан ишлатиш мумкин. Вақт тиғиз қолаяпти. Воҳада мезон нишонлари сезила бошлади. Фикримизни Гурлан тумани «Вазир» қишлоғида фаолият юритаётган «Йўлдош Собир хўжа ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи Йўлдош ота Собиров илиб кетадилар:

— «Ғўза айнан ҳосил тўплайдиган, кўсаклар етилиб, тош босадиган палла келди. 25 гектар майдонда пахта етиштираяпман. Ғўзалар вақтида озиқлантирилиб, вақтида сув ичгани боис ҳозир ҳар тупи 15 тагача кўсак тугди. Яна бир бора ғўза қатор ораларига ишлов бериб, суғорсак яна 15 тадан кўрак пайдо бўлди деяверинг. Август ойининг нафақат ҳар куни, дақиқалари ҳам ҳисобда. Бу ойда ғафлатда қолган деҳқон ютқазади...

Яна бир гап. Бу йил тумандаги 47 нафар фермер салкам 600 гектар пахта майдонида пойтахтдаги «Сувбурги» корхонаси билан шартнома асосида ғўза ривожида янгича тажриба-технологияни ҳаётга татбиқ қилаяпти. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Қуролбой ака Сафоев тажриба бошламасига қисқача таъриф берадилар:

«Олим Убай Мадраҳимов ўтган йили бир гектарда «Бухоро-6», бир гектарда «Меҳнат» навларини тажриба сифатида экиб, синовдан ўтказганди. Синов яхши натижа берди, ҳосилдорлик бошқа далаларга қараганда 10 центнергача ошди. Шу боис, бу йил салкам минг гектарда шу усулни қўллаш режамиз бор эди. Аммо сув тақчиллиги шароитида барча далаларда тажрибани тўла қўллаш имкони бўлмади».

«Чинобод» қишлоғидаги «Охун Кўпир» фермер хўжалиги бошлиғи Ойбек Бухорбоев олим тажрибаси устунлигини ўз даласида синаб кўрганлардан: **«12 апрель куни далага чигит қададик. Шу куни кучли сел ёғди. Чигит униши хавф остида қолди. Бузиб қайта экишни ўйлагандик, Убай ака рози бўлмадилар. «Махсус ишланган ва уч кун сақланган чигит униб чиқади, қўрқма», — деди. Айтгани бўлди, чигит бехато униб, тўлиқ ниҳол олдик. Олим тажрибасини қўлламаган бошқа фермерлар қайта экиб, ҳам харажатдан, ҳам вақтдан ютқазишди».**

Ойбек 9,2 гектар далада «Меҳнат» навли пахта етиштираяпти. Ғўзалар бўйдор, энг камида 15 кўрак бор. Тўрт марта ишлов берилган, вақтида суғорилган ғўзалар ҳавас қилгулик. Август ойида яна 20 тадан кўрак тўплаш режада. Шунда камида 40 центнердан ҳосил кўтариш мумкин.

Ғўзанинг ҳал қилувчи даврида туман фермерларининг куюнчаклиги, янгича тажрибаларга иштиёқи ва орзулари Ватан хирмони янада юксак бўлишидан дарак бериб турибди.

Гурландан қайтаётиб «Жумабой Дўст» фермер хўжалиги далаларига бордик. Пахтазорни айландик. Баравж ғўзалар шиғил кўсакга тўла. Бу ерда ҳам олим Убай Мадраҳимов тажрибаси яққол кўзга ташланади. Мустақиллигимизнинг ўн еттинчи йилида гурланлик фермерлар давлат режаларини вақтида ошириб адо этишларига пухта замин яратилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

«Ўзэлектроаппарат — Электрошчит» очиқ акциядорлик жамияти ўз фаолиятини 2006 йилда бошлаган. У турли электротехник маҳсулотлар — қувати 6(10), 35, 110 киловаттга тенг ўрта ва юқори волтли комплект мосламалар, очиқ конлар учун юқори волтли ускуналар, қувурларни катодли ҳимоя қилиш технологиялари, конденсатор қурилмалари, электр аппаратлари ва электромонтаж маҳсулотлари, дазмол ва розеткалар қаби халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ҳамда уларни таъмирлаш-созлаш борасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Корхонада, шунингдек, металлдан офис ва тиббиёт муассасалари учун турли ҳажм ва рангдаги мебель жиҳозлари тайёрланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро талабларга жавоб бермоқда.

Корхона ўз маҳсулотлари билан ички бозорга хизмат қилиб қолмай, ташқи бозорда ҳам фаол иш юритмоқда. МДҲ давлатлари, Германия, Греция, Болгария, Литва, Латвия, Куба, Нигерия, Миср, Эрон, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Вьетнам каби кўплаб мамлакатларда буюртмачилар билан яқин шериклик алоқалари ўрнатган корхона уларга ўз маҳсулотларини изчил етказиб бермоқда. Ушбу маҳсулотларга талаб катта бўлганлиги туфайли корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳа; ишчи Ориф Тўлаганов.

С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚИЗИЛҚУМ «ТЕХНОПОЛИСИ»

ёхуд афсонавий зар шаҳар

Энг ноёб конлар — олтин, кумуш, мармар сингари қазилма бойликлар маскани Учқудуқни Юртбошимиз «Қизилқум «технополиси» ёхуд афсонавий зар шаҳар, дея эътироф этганди. Худди шу эътироф ва эътибор изидан кончилар шаҳрини 2020 йилга қадар иқтисодий юксалтириш инфратузилмаси ишлаб чиқилди. Республика марказлашган маблағидан алоҳида сармоя ажратилди.

Дарвоқе, Учқудуқ ўтмишда учта қудуқдан иборат аҳоли манзилгоҳи деб қаралган бўлса, мустақиллик йилларида жаҳон нигоҳига тушди. Бугун у наинки қоракўлчилиги, балки қора мармари, олтин ва кумуши билан дунё биржаларида фаол иштирок этмоқда.

Кейинги 3-4 йил ичида бу ердаги ўтов ва овуллар ўрнида ўнлаб янги қўрғон ҳамда замонавий посёлкалар қад ростлади. Шаҳарда 12 та катта-кичик маҳаллалар, қатор умумтаълим мактаблари, коллежлар барпо этилди. Айниқса, кончилар ва саноатчилар фарзандларининг соғлом ўсиши, жисмоний чиниқиши учун «Лочин» болалар спорт мажмуаси тикланиши нур устига аъло нур бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати, яқинда Учқудуқ замонавий мебелсозлик корхонаси ишга туширилди. Айни кунларда бу ерда Италия, Испания, Туркия мамлакатларидаги каби жаҳон андозаларига мос мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Бу билан юзлаб учқудуқликлар муқим иш ўринлари билан таъминландилар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ КУТИЛГАНИДАН ЮҚОРИ

Буюк Британияда бир йиллик пул қадрсизланиши 4,4 фоизни ташкил этди, деб хабар беради Bloomberg. Нарх-навонинг ўсиши Марказий банк тахмин қилган кўрсаткичдан икки баробар юқори. Бир ойда қадрсизланиш 0,6 фоизга етган. Бу 1997 йилдан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткич саналади. Айниқса, озиқ-овқат ва алкоголсиз ичимликлар нархи тез суръатлар билан кўтарилиб кетяпти. Бундан ташқари, газ, электр токи ва бошқа турдаги энергия манбалари нархи 16,1 фоизга қимматлашган.

ЧИНАВАТ ЮРТИГА ҚАЙТМАДИ

Коррупция ва бошқа жиноятларда айбланган Таиланднинг собиқ бош вазири Таксин Чинават ҳозир оиласи билан Буюк Британияда, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс. Таксиннинг Таиланд телевидениесида ўқиб эшиттирилган хатида ўз ватанида адолатли суд бўлишига шубҳа қилгани сабабли Буюк Британияда яширингани айтилган. «Таиланд сиёсатидаги диктатура суд тизимига ҳам таъсир қилмоқда», — дейди собиқ амалдор.

Суд Чинаватга Пекиндаги Олимпия ўйинларига боришга рухсат бергач, ўтган ҳафта у рафиқаси билан Таиландни тарк этган. Душанба куни суднинг коррупцияга доир навбатдаги ишида ҳозир бўлиши керак эди. Лекин у Пекиндан Буюк Британияга учиб кетган. Унинг анча-мунча мол-мулки мазкур давлатда сақланади. 2007 йил Чинават 82 миллион фунт стерлингга Британиянинг «Манчестер Сити» клубини сотиб олган. Баъзи маълумотларга кўра, Чинават Буюк Британиядан сиёсий бошпана сўрамоқчи.

ЭНГ ТЕЖАМКОР ДАВЛАТ

Шу йил август ойидан бошлаб Испания бензин, кўмир ва электр энергиясини мамлакат миқёсида тежаш бўйича қатор чора-тадбирлар қўллай бошлади. Мамлакат иқтисодини инқироздан сақлаш учун Вазирлар Маҳкамаси табиий ресурслар сарфини камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Чунки Европа Иттифоқида бу мамлакат табиий бойликлари бўйича энг қашшоқ давлат ҳисобланади. Испания сарфлаётган нефть ва кўмирнинг 84 фоизини бошқа давлатлардан сотиб олади. Ватандошларига вазиятни тушунтирмоқчи бўлган саноат вазири Мигель Себастианнинг айтишича, сўнгги ўн икки ой ичида мамлакат биргина нефть импорти учун 17 миллиард евро харж қилган. Аҳвол шу тариқа давом этса, мамлакатнинг ташқи тижорат танқислиги йил охиригача 43 миллиард еврога тенг бўлади.

Ҳукумат ўта жиддий ва қаттиқ чоралар қўллашга қарор қилгани мақтовга сазовор. Масалан, транспорт воситалари тезлигига қўйилган чекловни олайлик. Мамлакатнинг катта магистралларида автомобиль ҳаракатланиши соатига 80 км., аҳоли пунктларида эса 40 км.дан ошмаслиги даркор. Жамоат ва давлат ташкилотларидаги кондиционерлар эса ёзда 26 даражадан паст, қишда эса 21 даражадан юқори бўлмаслиги керак. Шаҳарларни ёруғлик билан таъминлаш ҳажми эса ярмига камайтирилган. Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, испанларга 50 миллион дона электр қувватини тежовчи чироқ беришни мўлжалламоқда. Тўрт йилдан кейин амалдаги чироқлар мамлакат бўйича истеъмолдан чиқиши кўзда тутилган. Европа Иттифоқи мутахассисларининг ҳисоблашича, агар иттифоқдаги ҳар бир хонадон эгаси (Европа аҳолиси 500 миллион кишидан иборат) ана шундай тежамкор чироқдан фойдаланса, бу йилига электр қуввати харажатини ўртача 2 миллиард еврога камайтиради.

Умуман, Испаниянинг бу ҳаракати бошқаларга ҳам ўрнак бўлса арзийди.

МАХСУС ҚУРИЛМА ЯРАТИЛДИ

Японияннинг «Ниссан» автомобиль корпорацияси ҳайдовчининг тезликни ошираётгани ҳақида маълумот берувчи махсус қурилма яратди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Компания вакилларининг сўзларига кўра, ушбу ускуна бензинни 5-10 фоизга тежаш имконини беради.

Хабарларга қараганда, янги қурилма мустақил назорат қилиш тизимига эгалиги билан ажралиб туради. Ушбу ноу-хау 2009 йили сотувга чиқарилади.

ДУБАЙДА БАЛАНД БИНОЛАР СОНИ КЎПАЯДИ

Дубайда 2025 йилгача қарийб уч мингта осмонўпар бино барпо этилади. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, шаҳарнинг «Dubai World Central» марказий туманида 1100 та кўп қаватли турар-жой биноси қуриш режалаштирилган. Бу ерда барпо этилажак янги иморатлар учун 140 квадрат километр ер майдони ажратилган. Қурилиш якунлангандан сўнг мазкур туманда миллион киши истиқомат қилиши кутилмоқда.

Маълумотларга қараганда, бундан ташқари савдо ҳудудида мингга яқин осмонўпар иншоот бунёд этилади. Дубайда баланд миноралар сонининг кўпайиши бу ерда савдо ва сайёҳлик соҳасининг янада тараққий этишига хизмат қилади.

ТРОПИК ЎРМОНЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЛОЗИМ

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши, тропик ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши ва ноқонуний ов ер юзидаги маймунларнинг учдан бир қисми қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Хабарларга қараганда, ҳозирги кунда уларнинг 394 тури мавжуд бўлиб, орангутан, горилла каби жами 114 зоти йўқолиб бораётир.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, муаммонинг олдини олиш учун, аввало, тропик ўрмонларни сақлаб қолиш лозим.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«MILKFOODS» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

қуйидаги объект бўйича талабгорлар малакасини олдиндан аниқлашни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах тумани «Самарқандқудуқ» СФУ ҳудудида 500 та соғин қорамол учун сутни қайта ишлаш цехи билан чорвачилик комплекси қурилиши».

***Ишларни молиялаштириш** «MILKFOODS» масъулияти чекланган жамияти маблағлари ва тижорат банкларидан олинадиган кредитлар ҳисобидан амалга оширилади.*

***Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳар, Аккумулятор кўчаси, 1-уй. **Тел:** (8371) 771-60-34.*

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: объектнинг дастлабки бошланғич қийматига нисбатан камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда қатнашиш ва ҳужжатларни олиш учун сўровнома билан ташкилотчи — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: (8372) 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 30 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни ташкилотчига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Beijing 2008

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кеча 90 кг. вазн тоифасида самарқандлик Хуршид Набиев қуръага кўра, илк баҳсни Буюк Британия вакилига қарши ўтказиб, «вазари» баҳоси билан ғалаба қозонганди.

Афсуски, иккинчи учрашувда Хуршид озарбойжонлик Элшан Маммадовдан енгилди ва мусобақани барвақт тугатишга мажбур бўлди.

Нафақат Осиёда, балки жаҳонда ўз мавқеига эга «чарм кўлқоп» усталаримиз дастлабки босқич учрашувларини якунлашди. Унда гарчи, жаҳон чемпиони Аббос Атоев (81 кг.) тожикистонлик Жаҳон Қурбоновга, Рафиқжон Султонов (48 кг.) франциялик Убаали Нординларга илк баҳсдаёқ ютқазиб, мусобақани тарк этишган бўлсада, қолган беш нафар боксчимиз ўзларининг муваффақиятли одимларини давом эттиришмоқда. Жумладан, дастлабки учрашувларда Тўлашбой Дониёров (51 кг.) кениялик, Хуршид Тожибоев (54 кг.) германиялик, Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ҳиндистонлик, Дилшод Маҳмудов (69 кг.) марокашлик, Элшод Расулов (75 кг.) франциялик боксчилар устидан ишончли ғалабага эришдилар.

Бугун 69 кг. вазн тоифасида 1/8 финал учрашувлари ўтказилади. Унда Дилшод Маҳмудов франциялик Жавад Шигерга қарши рингга кўтарилади. Эртага эса яна икки боксчимиз чорак финал йўлланмаси учун баҳсларни давом эттиришади. Унда Хуршид Тожибоев Луис Бруно Жули (Маврикия), Баҳодиржон Султонов эса дунёнинг номдор боксчиларидан бири Василий Ломаченко (Украина) билан куч синашади. 16 август куни эса 51 кг. ва 75 кг. вазн тоифаларида нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтади. Шу куни Тўлашбой Дониёров ҳиндистонлик Житендер Кумарга, Элшод Расулов эса Андраник Акопян (Арманистон)га қарши рингга чиқади.

Юнон-рум кураши беллашувларида иштирок этаётган вакилларимиздан ҳам мухлису мутахассисларнинг умидлари катта эди. Бироқ Пекин гиламларида Илдар Ҳафизов (55 кг.) ҳамда Дилшод Орипов (60 кг.)лар ўз вазн тоифаларида кутилмаганда рақибларига ютқазиб қўйдилар. Бугун ўтадиган оғир вазн тоифасидаги юнон-рум кураши усталари беллашувларида охирги вакилимиз Давид Солдадзе (120 кг.) медаллар учун гиламга чиқади.

Энг кучли таркиб билан Пекин олимпиадасига жўнаб кетган эркин курашчиларимиз эса беллашувларни эртага бошлашади. Унда гиламга чиқадиган Дилшод Мансуров (55 кг.), Сослан Тигиев (74 кг.), Заурбек Сохиев (84 кг.), Қурбон Қурбонов (96 кг.) ҳамда Артур Таймазов (120 кг.)лардан фақат ва фақат ғалаба кутиб қоламиз.

Эркин ХОЛБОБО, Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

Таълим ва ислоҳот

ДЕНОВ МАКТАБЛАРИ

Истиқлол йилларида бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди

Бу ҳақиқатни бугун катта-ю кичик эътироф этаётгани бежиз эмас. Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик: олис тоғ қишлоқлари — Куёвсув ва Кўкабулоқда қад ростлаган илм даргоҳлари ҳар томонлама қулай, шинам ва бетакрордир. Бундан ташқари, яна 15 та мактабда капитал реконструкция ишлари амалга оширилган бўлса, 32 та маскан капитал ва 17 таси жорий таъмирланган. Капитал реконструкция қилинган 30-, 48-, 58-, 62-, 64-, 65-, 89-умумий ўрта таълим мактабларида янги спорт залларининг қурилгани ёшлар учун айни муддао бўлди. Еттита мактабда эса қўшимча янги биноларнинг барпо берди. Илғор педагогик технологияларнинг кенг қўлланилиши фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишлари кафолати бўлмоқда. Шуни эътироф этиш лозимки, ўқув йили якунланиши билан таълим муассасаларида дастлабки натижалар таҳлил этилади ҳамда келгуси вазифалар белгилаб олинади.

2007-2008 ўқув йилида туманда 91 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, футбол ва санаторий типидаги мактаблар фаолият кўрсатди. Беш мингдан зиёд устоз ва мураббийлар 68 мингдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия берди. Ўқув йилининг якуни бўйича ижодий гуруҳ

этилгани таълимга эътиборнинг ёрқин исботидир. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан 12 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Дастур доирасида мазкур мактабларга 3 миллиард 241 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари келтирилди.

— Узлуксиз таълим тизими ўзига хос янгиликлар билан келди, — дейди **Денов туман халқ таълими бўлими мудири Ҳайдар Сувонов.** — Замон талаблари асосида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг онги, дунёқараши, билим ва малакасида ўзгаришлар рўй тузилиб, мактаблар фаолияти баҳоланди. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириши, таълим муассасаларининг ҳолати, кадрлар салоҳияти, ўқув жараёнини ташкил этиш алоҳида эътиборга олинган. Ўқитувчиларнинг фан ойликлари, уларнинг кўрик-танловлардаги иштироки, дарс таҳлили, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва бошқа жараёнлар ҳам эътиборга олинди. Жорий йилда 3 минг 34 нафар ўқувчи мустақил ҳаётга қадам қўйган бўлса, 6 минг 500 дан ортиқ ёш йигит-қиз 9-синфни якунлади. Энди улар турли коллеж ва лицейларда таҳсил олишади.

— Фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда барча қулай шароитлар яратилган, — дейди **мудир ўринбосари Бўри Фармонов.** — Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрликларига жавобан биз, устоз ва мураббийлар ҳам ёшлар тарбиясига янада масъулият билан ёндашмоғимиз даркор. Ватан тақдири ворисларимиз қўлида экан, уларни тарбиялаётган ўқитувчиларнинг зиммасидаги бурч янада улкан, деб биламан. «Дўстлик» ордени соҳиби Хосият Қораева раҳбарлигидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби «Йилнинг энг яхши мактаби» номинацияси бўйича республикада совринли ўринни қўлга киритган бўлса, 19-мактабгача таълим муассасаси жамоаси мамлакат миқёсида ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида ғолиб бўлди. Бундан ташқари, кўплаб йигит-қизлар фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб келишмоқда.

Айни кунларда туман халқ таълими бўлими муассасаларида минг нафардан ортиқ ёшлар фаолият кўрсатмоқда. Уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш учун уларнинг 69 нафарига имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. Бу устозларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар самарасидир.

Бугунги муваффақиятлар келажакда ўз мевасини бериши муқаррар. Бу борада Денов туман халқ таълими бўлимида ҳам хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилаётир. Ёшлар йили муносабати билан 21 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Учта даргоҳда янги спорт зали фойдаланишга топширилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашрдан чиқди. Янги изоҳли луғат ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади.

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори тил борасида, хусусан, ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз раҳнамолигида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилиниши ва мазкур қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Кейинги даврда, бир томондан, ўзбек тили тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни эркин ва тўла амал қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган залворли ўзгаришлар тилимизга, унинг лексикасига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек тилининг халқаро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Ана шундай омиллар ва ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар тилимизнинг изоҳли луғатини тузиш ва чоп этишни талаб этди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарорига мувофиқ ушбу луғатни яратиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти зиммасига юкланди.

Мазкур институт мутахассисларининг қайд этишича, беш жилдли ушбу луғат лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги фундаментал ишдир.

Янги луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашрга тайёрланган.

Ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, адиблар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган ва Мустақиллик айёми арафасида нашр этиш ишлари якунланган ушбу беш жилдли луғат луғатшунос ва ноширларимизнинг халқимизга муносиб байрам туҳфаси бўлди. Янги нашр кенг ўқувчилар учун муҳим қўлланма бўлиши баробарида, ўзбек адабий тили меъёрларининг мустаҳкамланишига ва нутқ маданиятининг янада юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎзА)

ЖЎЙРАБОТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Шофиркон туманида Мустақиллик байрамига муносиб совғалар ҳозирланяпти. Туман марказида бундан уч ой илгари Хотира хиёбони барпо этилган бўлса, бугун Нақшбандия тариқати силсиласида ўзига хос ўрин тутувчи Хожа Ориф Моҳитобон Ревгарий қадамжоси ободонлаштирилиб, мажмуа таркибига кирувчи янги масжит, музей, чойхона бинолари тез суръатларда барпо этилмоқда. Шаҳарнинг Навоий кўчасида эса лойиҳа қиймати 1,6 миллиард сўмлик деҳқон ва буюм бозорлари қад ростламоқда.

— Бундай иншоотлар, — дейди туман бош меъмори Шукур Ҳусенов, — қишлоқларда ҳам кўкка бўй чўзмоқда. Жўйработ қишлоғидаги 540 ўринли қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи биноси қишлоқ кўркига кўрк қўшди. Лойиҳа қиймати 2,1 миллиард сўмлик бу ўқув масканини Бухоро шаҳридаги «Миркулол» хусусий қурилиш-монтаж трести бунёдкорлари қуриб битказишди.

Даврон БАҲРОНОВ

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Президентимизнинг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори шу қутлуғ даргоҳда таҳсил олиб, ҳаётда муносиб ўрнини топган кишилар, ҳозирда бу ерда таълим-тарбия олаётган минглаб ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналарини ҳам ҳаяжонга солди. Шу кунларда университетда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ана шу санани муносиб кутиб олиш мақсадида саховатпеша зиёлилар, турли касб эгалари ўз улушларини қўшишмоқда. Жумладан, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, хусусий тадбиркор Ф.Ҳаитов, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекгеофизика» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзбеклизингинтернейшнл», «Сарбаст плюс» қўшма корхонаси каби ҳомийлар ўзларининг беғараз ёрдамларини беришди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, яна кўплаб саховатпеша кишилар бугун ҳам ҳомийлик қилиш истагида мурожаат қилишмоқда. ЎзМУ маъмурияти ва жамоаси уларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда ҳомийлик маблағлари учун қуйидаги ҳисобрақамни маълум қилади:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 174.

ОАИТБ «Ипак йўли» банки Ўрикзор бўлими,
х/р: 20203000900101070002
СТИР: 200845944. ОКОНХ: 92110.
МФО банк коди: 00999.
Ўзбекистон Миллий университети ахборот хизмати.

Болалар оромгоҳларида

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ГУЛХАНИ

Ғазалкентда жойлашган Ўзбектелеком акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалига қарашли «Алоқачи» болалар оромгоҳида ҳар йили 320 нафар ўқувчи ёзги таътилда ҳордиқ чиқаради.

— Болажонларимиз учун тасвирий санъат, моҳир қўллар, компьютер клуби, шахмат-шашка тўгараклари мунтазам ишлаб турди, — дейди оромгоҳ раҳбари Шоира Турсунова. — Шунингдек, спорт мусобақалари ўтказилди. Фарзандларимиз учун тренажёр залимиз ҳам мавжуд. Маънавият ва маърифат хонамизга доимо янги китоблар ва газета-журналлар келтирилиб турилди.

Ҳа, болажонларнинг юзкўзларидан ҳам бу ерда қандай дам олганлигини билса бўлади. Ўша куни оромгоҳга Республика қўғирчоқ театри ҳамда цирк артистлари ташриф буюришган экан.

Яқинда «Алоқачи» болалар оромгоҳида 2008 ёзги дам олиш мавсумининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Дам олувчилар ёзги таътил гулханини ёқишди. Тантанали хайрлашув тадбирида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси муовини Шоҳиста Қосимова, Ўзбектелеком акциядорлик компанияси касаба уюшма раиси Маҳфуза Муҳиддинова ва бошқалар иштирок этиб, болалар билан уларнинг орзу-ҳаваслари, таътил таассуротлари ҳақида суҳбатлашишди.

Хонбиби МАҲАМОВА.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

«КАЛАВА»НИНГ УЧИ

коньяк қуйиш цехида экан

Қинғир ишнинг қийиғи барибир чиқар экан. Бўлмаса, У. Абдумаликов харидорга «тозасидан бор», дея 200 дона алкоголь маҳсулотини сотаётганда қўлга тушармиди? Хуллас, дастлаб У. Абдумаликовдан олинган акциз маркаларга аниқлик киритилди. Маълум бўлишича, сохта тадбиркордан олинган маркалар Янгийўл агрофирмасига берилган экан. Шундан кейин уларнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги текширилди. Буни қарангки, экспертизага берилган 20 дона акциз маркалари қалбаки бўлиб чиқди. Суриштирув жараёнида «калава»нинг учи «Янгийўл вино» ОАЖ коньяк қуйиш цехига бориб тақалди.

Ўтказилган ҳужжатли текширишда мазкур жамият раҳбарлари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари маълум бўлди. Мутахассислар иштирокида «Янгийўл вино» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли цех, омборхона ва узум қабул қилиш пунктларидаги товар моддий бойликлар ҳисоб-китоб қилинганда камомад борлиги аниқланди. Коньяк қуйиш цехи бўйича жавобгар шахс К.Қосимов жамият манфаатларига оз эмас, кўп эмас, 918.748.725 сўмлик зарар етказган.

Ушбу ҳолат бўйича ҳам жиноят иши қўзғатилган. Сабаб, Сергели туман Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган «UTEX» шўъба корхонасининг фаолияти юзасидан таҳлил ўтказилганда корхонанинг мансабдор шахслари ноқонуний даромад олиш мақсадида солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириб, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказишган. Жумладан, тузилган экспорт шартномасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархи қасддан арзонлаштирилган. Тайёр маҳсулотнинг саккиз хили сотилишининг ўзидан кўрилган 616.750 АҚШ доллар фойда яширилган. Устига устак шўъба корхонаси масъуллари давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёзлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашмаган.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи хабарлари асосида Равшан ШОДИЕВ тайёрлади.

Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази ўз фаолиятини тугатиши муносабати билан даъволар бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар, Туроб Тўла кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Оҳангарон шаҳар Кенгашлари партия фаоли, меҳнат фахрийси

Хидирали ХАЙИТКУЛОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 21.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda